O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН!

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 6-dekabr, chorshanba, 49 (379)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



Ёш авлод вакиллари мактаб партасидаёқ ҳаётимиз Қомуси, бахтимиз кафолати бўлган Асосий Қонунимизни ўрганиб боришмоқда.

СУРАТДА: Зангиота туманидаги 44-мактаб ўқувчилари.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

● Мулоҳаза

КЕЛИН СЕПИДАГИ КИТОБ...

Исми жисмига монанд Дўстлик туманида бундан йигирма йиллар муқаддам элликдан ошиқ миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат яшашарди. 80-йилларнинг охирида бир грузин қўшнимиз тўй қилиб қолди. Қизига келган келинлик сепини кўриб, биз қўшнилар ҳайрон қолгандик. Сепнинг ичида бир қатор китоблар борлиги бизни ажаблантирди. Ўша пайтлар ёш бўлганлигим учун бу нарсага унчалик эътибор бермагандим.

Ёшим анчага бориб, келин туширганим, қиз чиқарганим сабабли ёки бошқа сабабларми, келин сепига китоб қўшиб берилишини тўғри деб ўйладим. Дунёда бирон-бир миллат ё элат йўқ-ки, келинга сеп йиғмаган бўлсин. Мана шу миллат, элатлар ичида грузин ва эстонларнинг сеп йиғишда маънавият даражаси бироз устунмикан деб ўйлаб қоласан киши баъзида. Масалан, грузинлар сепга Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» китобини қўшиб бераркан. Агар шу китоб бўлмаса, сеп тўкис ҳисобланмас экан. Шу ўринда Ҳиндистонда яшаб ижод этган машҳур шоира Зебунисобегимнинг «Менинг бахтим ҳам, жаннатим ҳам, эрим ҳам китобдир» деган сўзларини эсласак, китобни бирон нарсага менгзаб ҳам, тенглаб ҳам, ўлчаб ҳам бўлмайдиган буюк бир хазина эканлигига амин бўламиз.

Биз ўзбеклар ҳам ғоят илмли, китобсевар, маданиятли халқмиз. Газаҳ мулкининг султони Навоийни, осмон илмига илк бор «нарвон» қўйган Мирзо Улуғбекни, тиббиётга асос солган Ибн Синони, Колумбдан беш аср муқаддам Американи кашф қилган Берунийни, Араб грамматикасини яратган Замаҳшарийни дунёга берган ким, ўзбеклар эмасми?! Ахир, бу муваффақиятга фақат китоб орқали эришмадикми?

Ҳа, китоб асрларни, замонларни бир-бирига боғловчи восита. Алломаю донишмандлар айтганидек, «Китобсиз хонадон жаҳолатга ўхшайди». Истеъдодли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов китобни саккизинчи мўъжизаси саналмиш китобни келиннинг сепига нега қўшиб бермаяпмиз? Балки унга қўшиб берадиган арзигулик китобларимиз топилмаётгандир. Киши ҳавас қилса арзигулик безакли, жуда чиройли муқоваланган. Ислом динидан сабоқ берувчи «Қуръони Карим», «Ҳадиси шариф» китоблари бор-ку. Булардан ташқари келин сепига қўшиб берадиган бошқа китоблар йўқми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Масалан, ҳазрати Навоийнинг «Ҳамса»сини, Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» («Саодатга элтувчи билим»), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-Ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони»), Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Мирзо Бобурнинг «Бобурнома» каби асарларини келин сепига қўшиб берса бўладику!

Талабалик йилларимда устоз Сайди Умиров доим бир нарсани бот-бот эслатарди. Ҳар бир ўзбек хонадонида мумтоз шоир ва ёзувчиларнинг, яъни Алишер Навоий, Бобур, Юсуф Хос Ҳожиб, Югнакий ва албатта, Қодирийнинг «Ўтган кунлар», суюкли шоиримиз Абдулла Ориповнинг асарлари бўлиши лозим. Бу асарлар бўлмаган ўзбек-ўзбек эмас деган гапни кўп бор такрорларди. Ҳа, устоз ҳақ. Бундай китоблар ўзбекнинг ғурури ва ифтихоридир.

Хўш, шундай экан, келиннинг сепига китоб қўшишга ҳам, китобли сепни қабул қилиб олишга ҳам тайёрмизми? Бир қарашда, тайёрдаймиз, китоблар бор, чиқаяпти. Нега унда келин сепига қўшиб бермаяпмиз?! Энди навбатдаги масала, келиннинг сепига китоб қўшиб бериш анъанага айланди ҳам дейлик. Унда китобнинг сифати қандай бўлади. Албатта, бундай китоб оддий муқоваланган китоблардан тубдан фарқ қилмоғи керак бўлади. Бу масалани нашриёт ходимлари ўйлаб кўрсалар нур устига аъло нур бўларди. Биз орзу қилган китоб чиқди ҳам дейлик, энди қаерда сотилиши керак. Китоб дўконларидами ёки ФҲДЁ идорасидами?

Бизнингча, ФҲДЁ идорасида сотиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки келин-куёвлар бир йўла никоҳдан ўтиш билан бирга китобни ҳам сотиб олган бўларди.

Бас, шундай экан, китобга миллий маданиятимиз ва маънавиятимизнинг бир белгиси сифатида қарайлик.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Обунани ташкил этишда фаол қатнашган вилоят ва туман партия кенгашлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари албатта, рағбатлантирилади.

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 158.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Яккабоғ туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Мен истиқлол фарзандиман» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд туман кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида «Биз ўз куч ва имкониятларимизга ишонамиз» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Ангор туман кенгаши ташабускорлигида «Аёл — раҳбар, аёл — сиёсатчи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Хотин-қизлар қаноти иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

* * *

Бухоро шаҳар енгил саноат касб-ҳунар коллежида партиянинг шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Экологик маданият нима?» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Оила, фарзанд ва мактаб» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Халқ депутатлари ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашига сайланган депутатларнинг Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида ҳам Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллат тарихида моҳият эътибори билан асрларга татигулик воқеалар юз беради. 1991 йилнинг 31 августида мамлакатимиз мустақиллигининг эълон қилиниши, шубҳасиз, ана шундай тарихий воқеалар сирасига киради.

Мустақиллик халқимизни шўроларнинг сохта салтанатидан озод қилди. Жамият олдига умрини яшаб бўлган эски тузумнинг яроқсиз бошқарув тизимидан, қонун-қоидаларидан, сохта қадриятлари ва шиорларидан воз кечиш, янги эркин ва озод жамият қурилишини бошлаш, йиллар давомида одамларнинг онг-шуурига сингдирилган мафкуравий дунёқарашни мутлақо ўзгартириш вазифасини қўйди. Айни чоғда, миллатнинг тарихи ва ўтмиш меросига, дин ва диндорларга, хусусий мулкка, тадбиркорлик ва ташаббускорликка нисбатан муносабатни ҳам ўнглаш зарур эди. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, орқага қайтиш кўприклари бузиб ташланган, коммунизм деган хомхаёл бутунлай йўққа чиққанди.

Дунё собиқ иттифоқ ҳудида янгидан пайдо бўлаётган давлатларнинг илк қадамларини, ютуқ ва янглишишларини жиддий кузатиб турарди — бу давлатлар миллий истиқлол ғоясини қандай белгилайди, тараққиётнинг қайси моделини танлайди, ким билан ва қандай шартларда ҳамкорлик қилади, давлатни бошқаришда, жамиятни ислоҳ қилишда, ички сиёсат асосларини ишлаб чиқишда қайси тамойиллар асос қилиб олинади? Бу саволлар нафақат хорижий нигоҳлар учун, айни чоғда воқеалар ривожини бениҳоя эҳтиёткорлик билан кузатиб турган айрим ўзимизникилар учун ҳам қизиқарли эди.

Масаланинг мураккаб жойи шунда эдики, тўқсонинчи йилларнинг бошида бу муаммоларнинг ечими билан бир вақтнинг ўзида, бирортасини кейинга қолдирмай шуғулланишга тўғри келди. Тарих иккиланишга, узоқ мулоҳаза юритишга имкон қолдирмаганди. Мустақилликнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси янги ўзгаришлар, янги фикрлар, жўшқин эҳтиросларни тўлиб-тошган пайт эди ўшанда. Янги суверен давлатнинг дастлабки қадамларини қўйишда неча ўнлаб, юзлаб таклифлардан ягона тўғрисини, мустақиллик манфаатларига, миллий тараққиётга, тинчлик-тотувликка, халқимизнинг хоҳиширодасига ҳамоҳангини танлаб, фавқулодда қатъият ва журъат билан ҳаракат қилишдан ўзга йўл йўқ эди.

Ўша кезларни эслаганда яна бир ҳолат хотирада тикланади. Миллий республикалардаги мустақиллик ҳаракатлари, бу йўлдаги дастлабки қадамлар, жумладан ўзликни англаш, ўзликка қайтиш ҳисси, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг юзага қалқиб чиқиши кўпларни чўчитиб юборгани сир эмас. Парчаланган собиқ иттифоқнинг собиқ марказидаги сиёсатдонлар миллий республикаларнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам, бундан

(Давоми. 2-бетда).

● Жараён

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЎҚУВ КУРСИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Конрад Аденауэр жамғармаси билан ҳамкорликда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ходимлари ва фаоллари учун ўқув курси ташкил этди.

Ўн икки кун давомида пойтахтимиздаги «Марказий» меҳмонхонада ўтган ўқув-семинарларда сиёсий партиялар вакиллари мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизация қилишда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, Ўзбекистон республикаси ташқи сиёсатида миллий манфаатлар ва устуворликлар, Ўзбекистоннинг конституцион тузуми, давлат тузилиши ва ижтимоий-сиёсий тизим, партия қурилиши, минтақавий ва миллий хавфсизлик, барқарорликни мустаҳкамлаш каби бир қатор мавзулар муҳокама қилинди. Иштирокчилар ҳар бир мавзу юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар олиб борди.

Шунингдек, ўқув курси дастури асосида семинар-тренинглар, қизиқарли ўйинлар ташкил қилинди. Партия вакиллари томонидан турли мавзуларда тайёрланган рефератлар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланди. Курс ишлари тингловчиларга сертификатлар бериш билан якунланди.

Тингловчилар сафида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 12 нафар фаоллари. Иштирокчилар билан ўқув курсининг мақсадлари ва машғулотлардан олган таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Анжуман кунларида бошқа партия вакиллари билан ҳам мулоқотлар олиб бордик, — деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши «Ёшлар қаноти» раиси Шароф Шарипов. — Айниқса, хориждан келган сиёсатшуносларнинг маърузалари биз — ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Конрад Аденауэр номидаги жамғарма экспертлари Норберт Золберг ҳамда Маркус Курцеларнинг Германиядаги сиёсий партиялар тажрибалари ҳамда партияларнинг маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳақидаги маърузалари тингловчиларда катта тассурот қолдирди. Бундан ташқари, маърузалар орасида долзарб мавзулар таҳлилига бағишланган қизиқарли ўйинлар ташкил қилингани ҳам барчага маъқул бўлди, деб ўйлайман. Ҳар бир ўқув машғулоти ўзаро баҳс-мунозаралар, тортишувлар билан ўтди. Анжуманнинг энг катта ютуғи ҳам шу. Бир сўз билан айтганда, ўқув курси дастури жуда мукаммал тайёрланган.

Тингловчилар орасида партиямизнинг вилоят ва туман кенгашлари раисларини ҳам учратдик.

— Сиёсий партияларнинг демократик жамиятдаги ролини ошириш ҳамда уларнинг ҳаракат дастурини янада мукаммаллаштиришда ўқув-семинарларининг аҳамияти катта, — деди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Абдуқаюм Каримов. — Ўқув машғулотларининг яна бир фойдали жиҳати шундаки, иштирокчилар дин, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар, глобаллашув шароитида миллий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалалари хусусида фикрлашиб олишди. Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги давлат хизмати академиясининг профессори В.Солоков, Москва давлат халқаро муносабатлар институти профессори, политолог О.Обичкинларнинг сиёсий партияларнинг ташкилий тузилиши, партия аъзоларининг сиёсий жараёндаги фаол иштирокини таъминлаш муҳимлиги ҳақидаги маърузалари жуда маъқул бўлди. Барча тингловчилар ўзлари аъзо бўлган сиёсий партияларнинг келажаги учун хизмат қиладиган мақсад, режаларни белгилаб олди, назаримда.

— Машғулотларда қатнашиш давомида ўрганганларимиз келгуси фаолиятимизда қўл келади, деб ўйлайман, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси Танзира Холтоева. — Партиямиз вакиллари гуруҳларга бўлиниб «Кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш соҳасида банк ва молия тизимларидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари», «Дин — халқ маънавий маданиятининг бир қисми. Маърифий ислом — ислом радикализмига қарамақарши ғоя сифатида», «Информацион агрессия ташкилотчиларининг мақсади ва қўллаётган воситалари. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари» ҳамда «Гендер тенглиги ҳақида мулоҳазалар» мавзуларида рефератлар тайёрлашди. Ҳозиргина партиямизнинг Фарғона вилояти Ўзбекистон туман кенгаши раиси Сойибжон Раҳмонов ахборот хуружи шароитида партия матбуотининг вазифалари хусусида гуруҳимиз аъзоларининг фикрини шарҳлаб берди. Ҳар бир маърузачининг фикри билан танишилгач, савол-жавоблар баҳсга айланиб кетди. Бир сўз билан айтганда, бундай ўқув курслари вақти-вақти билан ўтказиб турилиши ҳар бир партия етакчисининг сиёсий билими талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Ўқув семинар кунларида республикамизда фаолият юритаётган партиялар вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатда ҳам бўлишди. Улар таниқли сиёсатшунослар, сенаторлар, тажрибали профессор-олимларнинг маърузаларини тинглашди.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

буён миллий маҳдудликка берилиши, ўз қобиғига ўралашиб қолиши, оқибатда замонавий ғарбдан, маърифий дунёдан ажралишини башорат қила бошладилар. Чунончи, уларнинг «Марказдан узилган Ўрта Осиё учун ўрта асрларнинг феодал тузуми қонун-қоидаларига қайтишдан ўзга чораси йўқ. Энди бу минтақа масжид ва мадрасалар салтанатига айланади, бу ерда эртаю кеч муаззинларнинг ҳазин овозлари эшитилиб туради...» деган хавотирлари яқин-яқингача қулоққа чалиниб турди.

Вақт мана шундай масъулиятли эди. Тарих якунланаётган аср сўнгида бизни бениҳоя жиддий синовдан ўтказаётганди. Бу саволларга жавоб қайтариш, жаҳон ҳамжамияти сафлари сари йўлимизни белгилаб олиш, янги жамиятнинг пировард мақсадларини аниқлаш учун бизга, аниқроғи янги давлатимизга, озод, ҳур ва демократик жамиятимизга мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор, давлат ва жамият ҳаётининг Бош қонуни, миллий истиқлол манфаатларини, ҳар биримизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қилувчи Қомус — Конституция керак эди. Унда, энг, аввало, яратилажак янги ўзбек давлатининг ижтимоий-сиёсий қиёфаси, мақсад-муддаоси ўз аксини топиши, янги жамиятнинг дунёда эътироф этилган умуминсоний қадриятларга, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолат принципларига нечоғли содиқ эканлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юридик жиҳатдан қай даражада ҳимояланганлиги, миллатлараро муносабатлар масалалари ўзининг аниқравшан ифодасини топган бўлиши зарур эди.

Президент Ислом Каримовнинг фикрича, янги Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома янгиғ халқимизнинг хоҳиш-иродасини, орзу-умидларини, маънавий-руҳий оламини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттириши, халқ тафаккури ва ижодкорлигининг том маънодаги маҳсули бўлиши, ҳар бир моддасида мустақиллик ғояси, инсон манфаати ифодаланиши шарт эди. Бу ҳужжатни собиқ қизил мафкура ғояларидан, синфийлик ва партиявийликдан батамом халос этиш талаб этиларди.

Табиийки, бундай мураккаб ва масъулиятли вазифани жаҳон мамлакатларининг конституциявий тажрибасини, шунингдек, тараққий этган илғор мамлакатларнинг демократия ва қонунчилик соҳасида эришган ютуқларини, амалдаги қонунларини ўрганмасдан туриб бажариш амри маҳол эди. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида ташкил этилган Конституциявий комиссия ишчи гуруҳи бу борадаги мавжуд тажрибалардан ижодий фойдаланган ҳолда ва халқимизга хос менталитетдан, миллий давлатчилик анъаналаридан келиб чиқиб, янги Конституциянинг бир неча концепцияларини тайёрлади. Улардаги ғоялар ягона асосга умумлаштирилди. 1992 йил кузида Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бу муҳокама, муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда демократия ривожининг дастлабки мактаби бўлди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида у янада сайқал топди ва 1992 йил 8 декабрида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилиниб, шу кундан амалга киритилди.

Моҳияти ва фалсафасига кўра «Халқчил қомус» деб аталган Конституциямизда инсон омили, унинг манфаатлари илгари сурилгани, давлат ва жамиятнинг ўз фуқаролари ҳамда келажак авлодлар олдидаги бурчи ва масъулияти аниқравшан белгилаб қўйилгани катта тарихий воқеа бўлди. Конституциямизда мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканликлари (18-модда), ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги (25-модда), ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги (29-модда), ҳар бир шахс мулкдор бўлиши мумкинлиги (36-модда) ўз ифодасини топди.

Конституциянинг 55-моддасида «Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умумиллий бойликдир...» дейилади. Бу эътироф Конституциямизнинг юксак маънавий қиёфасини ҳам кўрсатади. Ҳолбуки, тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида айрим янги суверен давлатларда айни шу масала юзасидан қизғин мунозаралар бўлиб ўтгани сир эмас. Баъзи сиёсатдонлар «Мамлакат ҳудудидаги табиий бойликлар туб-жой аҳолига тегишли бўлиши керак, Конституцияда улардан шу жойда истиқомат қилаётган бошқа миллат вакиллари ҳам фойдаланишлари мумкин, деб ёзиб қўйсак, бўлади», деган фикрни тиқиштиришга ҳам уриндилар.

Мана, ўн тўрт йилдирки, Асосий Қонунимиз инсон манфаатларига, тинчлик-осойишталикка, миллатлараро тотувликка, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги дадил қадамларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Бу вақт ичида ҳаётимизда жиддий ўзгаришлар юз берди, жамият ва давлат олдида турган вазифалар ҳам шунга мос равишда ўзгариб бормоқда. Бинобарин, Конституциямиз ҳам мукаммаллашиб бораётир. Аммо унинг инсонпарварлик руҳи асло ўзгармайди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

Бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги банк коллежида бўлганмисиз? Бу ерга қадам қўйган киши қандай даргоҳ эканлигини яққол билади. Боиси замонавий ўқув бинолари қад кўтариб турганлигини, атрофдаги ҳудуд тобора ободонлашиб бораётганлигини, ўқитувчилару талабалар аниқ бир мақсадга интилувчанлигини сезиш қийин эмас.

Мамлакатимизда миллий тикланиш ғоясини амалда рўёбга чиқара оладиган навқирон авлодни тарбиялаш буюк келажагимизнинг бугун яратилаётган мустаҳкам пойдевори бўлиши ҳақидаги аниқ фикр педагогик жамоанинг асосий шиори, фаолиятининг тамал тоши бўлди, десак янглишмаймиз.

ТОШКЕНТ БАНК КОЛЛЕЖИ – ИҚТИСОДЧИ ЁШЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСКАНИ

Коллеж педагоглари ушбу оддий, лекин аҳамиятли ҳақиқатни аллақачон англаб етиб, ўз фаолиятини шунга қараб олиб боришмоқда. Бошқача қилиб айтганда, талабаларда илмга, касбга бўлган иштиёқни барча воситалар ёрдамида ривожлантира бориш билан бирга уларни билимлар оламига бошлаб кириш, илм сирларини мустақил равишда ўрганишга одатлантириш жамоа учун энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Албатта, ҳар қандай яхши ният ва вазифалар инсонлар меҳнати, уларнинг қалб қўри билан рўёбга чиқарилади. Бу – азалий ҳақиқат. Таълим-тарбия, касб таълими соҳаси ҳам, табиийки, бундан мустасно эмас. Бинобарин, бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган ўқув юртининг раҳбарлигига тайинланган коллеж директори, иқтисод фанлари доктори Зайниддин Худойбердиевнинг олдига педагогик жамоани шакллантириш ва уни бошқариш, уларни эзгу мақсад атрофида бирлаштириш вазифаси қўйилган эди.

Ҳозир жамоада бундай вазифаларни бажаришда ўзининг беғараз ёрдамини кўрсатган бир қатор хайриҳоҳ инсонлар номи доимо мамнуният ва миннатдорчилик ҳисси билан тилга олинади.

Зайниддин Явқочевич энг аввало, ҳурмат билан ўзининг устози, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатлар академияларининг ҳақиқий аъзоси, Россия ТФА «Олтин бургут» ордени нишондори, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Қаландар Абдурахмонов номини тилга олади. Устоз ҳақида сўз кетганда Зайниддин ака у кишининг коллеж учун қилган ишларини эслаб, «коллежни шакллантиришда ўзининг қимматли вақтини, ҳимматини аямай, катта ёрдамини, ўгит ва маслаҳатларини бериб, педагоглик ва ташкилотчилик маҳорати — тажрибасини баҳам кўриб келди», — дейди. Ҳозир ҳам коллеж билан Россия Иқтисодиёт академияси филиали ўртасида амалий ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Худди шундай инсонлардан яна бири Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Мурод Шарифхўжаевдир. Тошкент молия институтини ректори сифатида устоз Мурод Шарифхўжаевни жамоа коллеж очилишининг асосий ташаббускори ва ташкилотчиси деб билади. Ўқув юртининг ўқув-методик ишларни шакллантиришда, дарсликлар билан таъминлашда Тошкент молия институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Алишер Ваҳобовнинг ҳам хизматлари қадрланади.

Ўзининг амалий ҳамда маънавий ёрдамини бериб келаётган фидойи устозлардан яна бири Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, Олий бизнес мактаби бош директори, профессор Маннон Алиевдир. Уларнинг бевосита ёрдами билан ўқитувчилар малакасини ошириш, республикамиздаги етакчи банклар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда хорижий ҳамкорлар топиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

Коллежнинг шаклланиш жараёнида учраган муаммолар, уларнинг ечимлари, тўпланган педагогик ва ташкилотчилик тажрибалари хусусида батафсил сўз юритиш мумкин. Аммо шу ўринда ўқув юрти фаолиятининг биринчи кунлариданоқ ишлаб келаётган, алоҳида ўрнак кўрсатаётган жамоа аъзолари ҳақида, уларнинг амалий ишлари тўғрисида ҳикоя қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Истеъдодли педагогларимиз меҳнати, устозларимиз ёрдами туфайли коллежимиз банк-молия тизими ҳамда иқтисодиёт тармоқлари учун "Банк иши", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Молия", "Суғурта иши" мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда. Ўқув юртида, шунингдек, 200 га яқин компьютерларни ўзида жамлаган "Ахборот технологиялари маркази" ва "Ўқув банки" фаолият кўрсатмоқда. Дарслар энг янги замонавий таълим технологиялари асосида олиб борилади. Барча зарурий техника ва жиҳозлар мавжуд. Бино ва хоналар ёруғ, замонавий ва миллий хусусиятлар уйғунлашган бўлиб, лойиҳа асосида қурилган.

Коллежимиз республикамиздаги деярли барча етакчи тижорат банклари, солиқ идоралари, молия муассасалари, Ўзбекистон Банк-молия академияси, Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Республика Фонд биржаси, Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Шунингдек, Япония, Германия каби бир қанча етакчи хорижий давлатлар, МДҲдаги мамлакатларнинг ўқув юртлари ва иқтисодий тузилмалари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Айни пайтда ўқув юртида 2610 нафарга яқин йигит-қиз таҳсил олаётир. Ўқувчиларга 8 та кафедра ҳамда 3 та бўлимда фаолият олиб бораётган 160 нафардан кўп педагог таълим-тарбия бермоқда. Уларнинг 2 нафари фан доктори, 23 нафари фан номзодидир. 30 нафарга яқин ёш мутахассис турли йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Коллежда иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида жами 61 фан, спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчилар спорт соҳасида шаҳримиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари орасида ҳам ўзига хос нуфузга эга. Боиси, кетма-кет икки йил "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг шаҳар босқичида терма жамоамиз биринчиликни қўлдан бермади. Ахборот технология марказида 40 мингдан ортиқ турли йўналишдаги илмий, бадиий асарлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар, ўнлаб кундалик нашрлар тўпланган ҳамда 6 та компьютердан иборат электрон кутубхона яратилган. Радиоузел орқали ҳар куни мунтазам равишда республика ҳаётига оид хабарлар, чет эл янгиликлари, турли суҳбат ва шарҳларни талабаларнинг ўзлари мустақил олиб бормоқда.

Коллеж битирувчилари банк-молия муассасаларида муваффақиятли ишлаб келмоқдалар. Жамоа педагогик маҳоратини ошириш, республикамиз иқтисодиётининг «локомотиви» бўлмиш банк соҳасига юқори малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Розия Гимуш, Даврон Норбеков, Чори Примов, Пазлиддин Саидходжаев, Тўхтапўлат Хожиддинов, Ҳамдам Хожиметов, Хайдарали Ахмедов, Раббим Файзиев, Каримахон Шайхова, Наимахон Каримова, Мамлакатхон Абдураимова, Нодирахон Ғафурова, Сурайёхон Расулова, Муҳайёхон Азизова, Маъмурахон Казакбаева, Алломахон Алимова, Мамлакатхон Алматова, Нигора Муҳиддиновна, Комила Турғунова, Фотима Мухамедова, Хайрулла Сафаров сингари устозлар ўзининг ташаббускорлиги ва фидойилиги билан бошқаларга ўрнак кўрсатиб келмоқда.

Тошкент банк коллежи ҳозир ўзининг ўн йиллигини нишонламоқда. Бу ўқув юртида меҳнат қилаётган педагог-ўқитувчилар, талабалар шу жумладан, уни битирган кўплаб ёш мутахассисларга табиий равишда қувонч ва ифтихор туйғуларини бахш этади.

Нигора АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент банк коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси.

Аёл қадри — Ватан қадри

Конституциянинг 14 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Аёл қадри – Ватан қадри» мавзуида катта тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ва «Журналист аёллар» клуби ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу анжуман ижодкор аёлларнинг байрам кечасига айланиб кетди. Унда йиғилганлар юбилей ёшдаги журналист аёлларни тавалуд кунлари билан қутлашди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳаммедов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломовлар иштирок этиб, ижодкор аёлларни эъзозлаш, ардоқлаш лозимлигини таъкидлашди. Зеро, аёл қадри — Ватан қадри.

Адиба РАХМАТУЛЛАЕВА,
Шоира БОЙМУРОДОВА.

Ёзувчи билан учрашув

Яқинда пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги 234-мактабда ЎзМТДП аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда мактаб директори Саидаҳмад Обидов, Республика Таълим маркази бош мутахассиси Мукамбар Азимова, туман халқ таълими бўлими ходимлари Гулнора Алимуҳамедова, Сурайё Мирсаидовалар ёзувчининг серқирра ижоди тўғрисида гапиришди.

Шундан сўнг ўқувчилар «Сариқ девни миниб» ҳамда «Жаннати одамлар» асарларидан саҳна кўринишлари ижро этишди.

Ўз мухбиримиз.

Партия ҳаёти

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ ДИЛЛАРДА

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан партиямиз фаоллари ташаббуси билан жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университетида «Конституция — бахтимиз тимсоли» мавзуида байрам тадбири ўтказилди. Тадбирни ЎзМУ ректори, профессор И.Муҳамедов кириш сўзи билан очиб, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар талабалар ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмуҳамедовнинг маърузаси Конституциямиз тарихи ва унинг аҳамияти, ёшларга берилган имтиёзлар хусусида бўлди. ЎзМТДП Марказий кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари О.Қозоқов партиямиз «Ёшлар қаноти»нинг вазифалари, жойларда ёшлар ташаббускорлигида ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гапирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, таниқли шоира Шарифа Салимова йиғилиш иштирокчиларидан тушган саволларга жавоб бериб, истиқлол йилларида ёзилган шеърларидан ўқиб берди. Партиянинг «Ёшлар қаноти» аъзоси Б.Маматқулов «Конституция — ёшлар нигоҳида» мавзуида маъруза қилди.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, бир гуруҳ санъаткорлар иштирок этишди.

* * *

ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамда партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласида «Конституция — бахтимиз қомуси» номли тадбир ўтказилди. Тадбирни партиянинг туман кенгаши раиси Мукамбар Азимова очиб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова партиядошлар томонидан жойларда олиб борилаётган ишлар, ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифалари, сафдошлар танлаган йўл ҳақида гапириб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг катта эксперти Музаффар Тошев Конституциянинг моҳияти, жамиятимиз ва халқаро ҳаётдаги мавқеи борасида маъруза қилди. ЎзМУ ҳуқуқшунослик факультети катта ўқитувчиси Турсунбой Ўрозбоев, тарих фанлари номзоди, шарқшунос олима Муборак Юнусхўжаевалар ҳам Асосий Қонунимизнинг ҳаётда тутган ўрни ҳақида гапиришди.

Тадбир сўнгида партия сафларига қабул қилинган аъзоларга гувоҳномалар ва эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Шундай тадбирлардан яна бири пойтахтимиздаги 273-мактабда бўлиб ўтди.

Уни мактаб директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова кириш сўзи билан очиб, Конституциямизнинг моҳияти ҳақида гапирди. Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъножон Зарипова «Конституция — барқарор тараққиёт кафолати» мавзуида маъруза қилди. ЎзМУ «Конституциявий ҳуқуқ» кафедраси мудири ўринбосари Гулбаҳор Ғаниева ҳамда катта ўқитувчи Турсунбой Ўрозбоев Конституция берган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақида гапиришди.

Партия сафига кирган янги аъзоларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Байрам тадбирининг давоми мактаб бадиий ҳаваскорларининг чиқишларига уланиб кетди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда бир қанча хайрли тадбирларни ўтказиб келмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда А.С.Пушкин номидаги вилоят кутубхонасида партиянинг вилоят кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» фаолияти ва муаммоларига бағишланган семинар йиғилиш ўтказилди. Унда партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, фаол хотин-қизлар ҳамда бошланғич ташкилотлар аъзолари иштирок этишди.

Йиғилишни «Хотин-қизлар қаноти» раиси Гавҳар Ғаниева очди ва олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд вилоят филиали илмий ходими М.Шеров «Хотин-қизлар иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзуида маъруза қилди. Шундан сўнг партиянинг Нарпай ҳамда Самарқанд туман кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» раислари Инобат Нормуродова, Истода Назаровларнинг «Хотин-қизларнинг муаммолари ҳар бир ҳуқуқий давлатнинг муаммосидир», «Юрт бешигини аёл тебратади» мавзуидаги маърузалари тингланди.

Семинар йиғилиш баҳс-мунозаралар тарзида ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Янги аср муаммолари

«Мабодо келгусида ерда ҳаёт тамом бўлса, у атом урушидан эмас, сув етишмаслигидан бўлади», — деган эди япон ёзувчиси Хироси Нома.

Бир қарашда бу гапга ишониш қийин. Нега десангиз, курраи заминнинг тўртдан уч қисми сув билан қопланган! Бироқ бир қатор мамлакатлар, бутун бошли қитъаларда ҳали-ҳануз сувсизлик муаммоси мавжуд. Баъзи ҳудудларда поёнсиз ўрмонлар, далалар қурғоқчиликдан қовжираб қолган, тирик жон, ҳатто инсон боласи чучук сувга қонишдек бахтдан бенасиб.

СУВ КЎП, АММО...

Башоратчилар «яқин келажакда шундай бизнес вужудга келадики, унинг савдоси қитъалар оша қанот ёзади, нефть, газ ва бошқа ҳар қандай тақчил маҳсулотлар савдосини синдиради, уни сув бизнеси деб атайдилар», дейишмоқда. Хироси Номанинг фикрига ишонишга иккиландик, иккинчи гап ҳам аслида ёзувчи башоратининг бошқачароқ талқинидир. Дарҳақиқат, дунё ҳушёр аҳлининг ташвишлари ўринли. Сувга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз, ундан фойдаланишда оқилона йўл тутишимиз зарур. Акс ҳолда ҳаёт манбаи ҳисобланган сувнинг уволи ёқамиздан тутиши ҳеч гап эмас.

Кўпчилик «Сув муаммоси туғилиши мумкин эмас, Ер юзини океанлар қоплаб ётибди-ку. Абадий музликларни айтмайсизми. Табиатда сув доимий айланишда. Чучук сувни қанча исроф қилмайлик, табиий жараёнлар уни тозалаб яна ўзимизга қайтараверади. Табиатда сув камаймайди, бундай ваҳимага асос йўқ», — дея фикр билдириши мумкин. Бир қарашда бу гап тўғридек туюлади. Аслида эса бу гаплар ўта содда ва ғўр хулосадан бошқа нарса эмас. Биз шундай фикрловчиларга табиат ҳам ўзгариб бораётганини, у баъзида ўз имкониятларидан ажралиб қолаётганини тушунтиришимиз керак.

Инсоният кўп ютуқларни қўлга киритмоқда. Аммо у Она табиатга нисбатан кечириб бўлмас хатоларга ҳам йўл қўймоқда. Масалан, у фазони забт этди. Лекин учирилган ҳар бир космик ракетанинг ҳосил қиладиган туйнукларини беркитиш, қуйдирилган азон қатламини тиклаш хусусида эса ўйлаб ҳам кўрмади. Яратилаётган хилма-хил заҳарли химикатлар, хусусиятини йўқотмайдиган моддалар бизга бир жиҳатдан фойда келтираётган бўлса, бошқа томондан табиатнинг бўғзидан тутмоқда. Чернобил АЭСи фалокатини бир эсланг. У табиатга қанча зиён келтирди, у сочаётган ажал уруғи яна қанча давом этади, буни ҳеч ким билмайди. Сув муаммоси туғилмайди дейиш, бепарволикка берилиш ҳам хунук оқибатларга юзма-юз келишимизни тезлаштиради, холос.

Шу боис ичимлик сувини иқтисод қилиш, уни тоза сақлаш бугуннинг долзарб вазифасидир. Хўш, биз оби ҳаётга нисбатан қандай муносабатдамиз, уни керагича қадрлай олаяпмизми? Шу каби саволларга жавоб излаб Булунғурда бўлдик. Туман сув оқава ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Баҳриддин Файзиев билан шу хусусда суҳбатлашдик.

Корхона асосан туман маркази аҳолисига хизмат қилади. Аҳоли сони 25 минг нафар атрофида. Ҳудудда сувдан фойдаланувчи корхоналар 19 та, хусусий тадбиркорлар 50 дан ортиқ. Булунғур шаҳрининг сувга бўлган бир соатлик эҳтиёжи 350 куб метр. Ҳақиқатда 400 куб метр сув ишлаб чиқарилмоқда. 8 километр канализация тармоғи мавжуд. Соатига 25 куб метр оқава сув қайта тозаланмоқда. Корхона жамоаси истеъмолчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Режа бўйича 200 метр сув қувури жорий, 100 метри эса мукаммал таъмирдан чиқарилган. Сув ҳисоблагич асбоблари ҳам график асосида ўрнатилмоқда. Аҳоли ўртасида оби-ҳаётни қадрлаш, тежаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Таҳлиллардан маълум бўлдики, Булунғур шаҳрида ҳар соатда 50 метр куб тоза ичимлик суви исроф қилинаётган экан! Бу ўн соатда 500, бир кеча-кундузда 1200 куб метр демак. Агар исрофгарчилик кичик бир шаҳарчада шунча бўлса, бутун бошли Самарқанд вилоятида қанча экан? Уни бутун мамлакат, ер юзи бўйича чўтга солсакчи?

Ҳа, биз масалага ана шундай нуқтаи назар билан ёндошишимиз зарур. Йўл қўяётган кичик-кичик хатоларимиз йиғила-йиғила дунёвий фожиаларни келтириб чиқариши мумкинлигини қачон англаб етамиз? Яна Булунғурга қайтайлик. Бу ерда сув қадрланади, албатта. Бироқ, бу ишга беписанд қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Буни сув ҳисоблагич асбоблари ўрнатилишидаги аҳвол ҳам далиллайди.

Шаҳарча 100 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланган. Сув ҳисоблагич ўрнатиш эса аранг 38 фоизни ташкил этган. Корхоналар 100 фоиз, тадбиркорлар ва аҳоли 35-37 фоизгина аниқ ҳисоб-китобга ўтган, холос.

Корхона раҳбари билан ўтган давр мобайнида олиб борилган ишларни таҳлил қиламиз. Жорий йилнинг ўтган вақтида 122 мижоз билан қарздорлик бўйича судлашишга тўғри келган. «Булунғур АТП», «Кимётаъминот», «Раббимқулова М», «Тошқулов А», «Бибихоним» сингари корхоналар, хусусий фирмалар билан ҳам суд идорасида муросага келишга тўғри келган.

Хўш, бундай ишлар нимадан далолат беради? Бу ҳали бизда тоза ичимлик сувига бўлган муносабат маданияти тўлиқ шаклланмаганлигининг исботидир.

Доно халқимизда «Ҳар нарсани борида қадрла», «Нимани қилсанг хор, унга бўласан зор» деган ҳикматлар бор. Биз кўп нарсаларсиз яшайверишимиз мумкин. Бироқ, сувсиз ҳаёт — тириклик йўқ. Дарёнинг сохилида сувсиз қолишдан эса яратганнинг ўзи асрасин.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Китобингизни ўқидим

ХОТИРА ЁҒДУЛАРИ

Хотиралар инсон умрини ёритиб турувчи шуълага ўхшайди. Ҳар гал бу шуълага яқинлашганда одамнинг кўнгли исийди. Таниқли адабиётшунос олим, профессор Ҳафиз Абдусаматовнинг янги нашрдан чиққан «Илм — менинг қуёшим» номли китоби ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Китоб икки қисмдан иборат. Бири «Жўшқин ҳаёт қўйнида» деб номланса, иккинчиси «Ички портрет яратиш санъати» деб аталади. Ҳар иккала қисм ҳам олимнинг бошидан кечирган қувончли, ташвишли дамларидан ҳикоя қилади. Маълумки, 20-30-йилларда одамлар ҳам, мамлакат ҳам қийинчиликларни бошидан кечирди. Шунингдек, ҳалоллик, тўғрилик ҳақида кўп гапирилар, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш оғир гуноҳ саналган. Мана шулар ҳақида сўзларкан, олим дастлаб ота-оналарини, ака-укаларини хотирига келтиради. Ва ҳақли равишда биз ана шундай тарбия меваларимиз, дейди.

Яхши биламизки, ўша пайтда драма тўгараклари мактаблардаги жўшқин ҳаёт бағрига сингиб борган эди. Бу ўз натижасини кўсатмай қолмади. Адабиётимизга янги овозлар, номлар кириб келишига сабаб бўлди. Олим Ўрта Осиё Давлат (ҳозирги ЎзМУ) университетида ўзи билан бирга ўқиган, кейинчалик таниқли ёзувчи ва шоирлар бўлиб етишган Сарвар Азимов, Убай Бурҳон, Ғани Жаҳонгировларни ёшлик таассуротлари билан тилга олади. Абдураҳмон Саъдий, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон каби забардаст олимларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлганликлари ҳақида фахр билан сўзлайди. 50-йилларнинг бошларида Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмадларнинг бошида айланган қора булутлар ҳақида куйиниб гапиради. Ваҳоланки, Ҳомил Ёқубов, Ходи Зарифлар ўзбекнинг ифтихори эди. Қора булут ёмғирлари, дўллари академик Ҳабиб Абдуллаев, Отақўзи Азизовларнинг азиз бошлари узра тинимсиз ёғди. Уларнинг ўғиллари, набиралари ўша кунларни эсларкан, бугунги озод кунларимизга шукроналар айтади.

Иккинчи бобда олим бошидан кечирган қаттиқ кунлар, қувончли воқеларни аниқлаштириб ўқувчига етказади. Ижодкор биринчи қисмда номлари тилга олинган олимларнинг яратган асарлари ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндалари Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Шуҳрат, Мақсуд Шайхзода, Баҳром Раҳмонов, Мирмуҳсин, Рамз Бобожонлар ва бошқа қалам аҳллари ижоди, ҳаётига тўхталади. «Ҳақ сўз сеҳрига интилиб» портретида Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоячилик, насрдаги маҳоратини зўр шавқ билан куйлайди. Айрим саҳна асарларига бўлган ҳужумларга тўхталиб, унинг сабабларини рўй-рост очиб берди. Шунингдек, Ҳафиз Абдусаматов ўз баёзларида Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», «Мирзо Улуғбек» драмаларининг ғоявий-тарбиявий томонларига юксак баҳо беради. Ва ўзининг ҳам шу қайғу ўтида ёнаётганини яшириб ўтирмайди. Ғафур Ғулом ҳақидаги тадқиқотларга бўлган ноҳақ ҳужумлар, В.Милчановнинг носоғлом фикри «Тарихдан шингил» мақоласида очиқ тилга олинади. Ҳ.Абдусаматов икки адиб — Шароф Рашидов билан Абдулла Қаҳҳор ҳақида тарқалган турли миш-мишларга ойдинлик киритади. Шўро даврида Комил Яшинни Андижонда ҳам сиёсий тазйиқлар четлаб ўтмаган. Уйғуннинг 50-йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилган пайтларда йўл қўйган камчиликлари, М.Шайхзода қамалгандан кейин унинг оиласидан уй-жойнинг тортиб олингани нотўғрилиги тўғри таъкидланади.

Олим бир нечта ноширларнинг ҳаётига оид воқеаларга тўхталаркан, фақат ҳақиқатга суянади. Зеро, ҳақиқат — инсоннинг суяна олиши мумкин бўлган ягона ишонч ҳассасидир. «Илм — менинг қуёшим» китоби ўзининг тарихий хотираларга, фактларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчилар ушбу китоб билан танишаркан, оғир шароитларда ҳам қалам тебратган ижодкор шахслар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўладилар.

Шерали ТУРДИЕВ.

Мусаввир ва тасаввур

МУЗЕЙ МИНИАТЮРАЛАРИ

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг Ўзбекистон халқ амалий безак санъати, Ғарбий Европа, хорижий Шарқ ва Россия санъати бўлимларида кўплаб миниатюралар мавжуд. Музей заҳирасида нафақат портрет жанридаги миниатюралар, балки манзара, уруш-батал жанри, маиший, лирик-севги мавзуидаги асарлар ҳам анчагина. Уларни Беҳзод миниатюралари билан солиштириб, жуда кўп ўхшашлик ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапириш мумкин. Ҳар бир асар муаллифи, албатта, ўз асарини ўша давр руҳини беришга интилган ҳолда яратган.

Миниатюранинг ғоявий мазмунига катта аҳамият қаратган. Шарқ миниатюраси Европа ёки Россия ранг-тасвир асарларидан ўзининг нозик композицияси, табиат тасвирининг ёркин рангларга бойлиги, ибо, ҳаё каби аёллар тасвирида уят, шарм-ҳаё каби фазилатлар тасвирининг кучлилиги ва гўзал шарқона фазилатларни ўзида мужассам этиши билан ажралиб туради. Уларда ўзбек халқининг ўзига хос хислатларини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам хориж мамлакатларида бизнинг миниатюраларга қизиқиш катта.

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод Шарқ миниатюрасига кўпгина янгиликларни олиб кирди. Жумладан, композицияга пейзаж, портрет жанрини биринчилардан бўлиб киритди. Ўз асарларида мутаносибликни очиб бера олди. Эътибор берилса, олдинги пландаги фигуралар орқадагиларга нисбатан бир оз катта қилиб чизилганлигини кўриш мумкин. Шу услуб билан у асарларида бўшлиқни, маконни кўрсата билди. Мусаввир диптих, яъни икки томонлама кўрсатилган композицияга асос солди. У ўз асарларидаги тасвирларни умумий уйғунликка келтирди. Рангларни юмшоқроқ, тинчроқ кўринишда беришга ҳаракат қилди. Уларнинг тасвирланаётган буюмлар билан мослашувига эътибор берди. Ижодкор миниатюраларида воқеа-ҳодисаларнинг ўтаётган пайтини, иш жараёнини, ҳаракатни тасвирлашга интилади.

Камолиддин Беҳзод жанг-батал, сарой жанрларида жонли ҳаётни, илк маротаба ижтимоий табақани ҳам кўрсатишга эришди. Мусаввир ўз асарларида фақатгина тасвирга эмас, ёзувларга ҳам катта эътибор қаратган. Унинг бизгача етиб келган асарларининг кўпларига имзо қўйилмаган. Шунга қарамай, Беҳзоднинг мўйқаламига мансуб миниатюраларни ажратиб олиш қийин эмас. Кўпроқ у чизган суратлар ва портретларнинг «Беҳзод», «Ал-фақир Беҳзод», «Пир Ғулом Беҳзод», «Амали устод Беҳзод» деган имзоларни кўриш мумкин. Беҳзод чизган портретларнинг юқори қисмига кимнинг портрети тасвирланганлигини кўрсатиб, пастки қисмига эса ўз номини қўйиб имзо чеккан.

Беҳзод ижодининг кўп қисмини портрет жанридаги миниатюралар ташкил этади. Аввалари портрет миниатюрада алоҳида жанр бўлмаган. Мусаввир эса биринчилардан бўлиб шахс хусусиятларини, характерини очиб берди, лекин бу билан у миниатюра ранг-тасвир қонунларидан четга чиқиб кетолмади. Беҳзод ижодининг камолотида инсон образи тасвири, мўъжаз санъат имконидан тўлиқ фойдаланган ҳолда уларнинг хусусиятларини, ички дунёсини бера олишга эришди. У илк маротаба подшоҳни шоҳ эмас, одам сифатида тасвирлай олди.

Музейдаги XIX асрга тегишли Эрон мактабига хос бўлган миниатюра эса машҳур «Шоҳнома» мавзусига бағишланади. Камолиддин Беҳзод ёки ўрта асрлик бошқа мусаввирлар ижодидан ўрин олган миниатюраларда инсон юзининг тасвири аниқ-равшан қилиб берилади. Лекин ислом динида инсон шаклини ва тасвирини чизиш мумкин бўлмаган, бу дин томонидан қаттиқ таъқиб қилинган. Диний авлиё ёки пешволар юз-чеҳрасини тасвирлаш эса қатъиян ман этилганлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу миниатюра-иконкада ҳам бу нарса акс этганлигини кўриш мумкин. Тасвирда авлиё Али қўлида қилич билан ўтирибди. Унинг юзи тасвири ўрнида бўш овал, чеҳра умуман тасвирланмаган, бошининг устида олтин ғардиш, юқорироқдаги бурчакларда қизил рангли араб ёзувлар — тўртбурчаклар берилган. Улар 16 та бўлакчаларга — майда тўртбурчакларга бўлинган ва ҳар бир катак диагонали бўйича араб ёзувлари билан қаторчалар чизилган. Авлиёнинг ёнбошидаги патнис типидаги тўлқинсимон медальонлар ички томони қизил араб ёзувлари билан ишланган. Алининг оёғи тагида унинг икки нафар ўғиллари: Ҳасан ва Ҳусайнлар ўтиришибди. Уларнинг ҳам юзлари тасвирланмаган ва яшил бош кийимда кўрсатилган.

Миниатюрадаги ҳар бир инсон тасвирининг ҳошиялари майда араб ёзувлари билан безалган. Тасвир атрофидаги рамка ҳам қора тушь билан ёзилган қиясига кетган майда араб шрифтидан иборат. Миниатюра тепасида ёки пастида бундай ёзувлар бўлиши ҳам Беҳзод ижодидаги шарқона хусусият ва ўзига хосликдан биридир.

Шарқ Рафаэли Камолиддин Беҳзоднинг ижодига хос бўлган шарқона ва миллий анъаналар тасвири акс этган миниатюралар орадан V аср ўтса ҳамки бадиий қимматини йўқотгани йўқ. Музейда сақланаётган ҳар бир миниатюра, у хоҳ Бухоро, хоҳ Эрон миниатюра мактабига хос бўлсин, ўзининг жозибадорлиги, моҳир миниатюрачилар берган зеб-зийнат ва сайқалланган жилвадорлиги билан санъат ихлосмандларини лол этиб келмоқда. Камолиддин Беҳзод асос солган Шарқ миниатюраси тамойиллари тизими бугунги кунда Шарқда ва Ғарбда машҳур бўлган миниатюралар мактаблари ва уларнинг ривожланишида буюк тамал тоши бўлиб хизмат қилаётир. Ўтмиш миниатюрачилари чизган асарлардаги ранглар эса жозибаси мўйқалам усталари учун ҳанузгача сирли жумбоқ бўлиб келмоқда.

Асалхон РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Давлат санъат музейи илмий котиби.

Ҳаёт сабоқлари

«БОЛАМДАН КЕЧОЛМАЙМАН...»

Ўшанда Азиза ўн саккиз ёшда эди. Уни узоқ қариндошининг ўғлига унаштирмоқчи бўлишди.

— Мен уни танимасам, билмасам, у билан қандоқ бирга яшайман, — деди қиз йиғламсираб.

Бувиси уни юпатди:

— Тўйим бўлган кезларда мен ҳам куёвни кўрмагандим, кейин чимилдикда танишганмиз. Мана, бинойидек яшадик, бирга қаридик. Сен ҳам кўникиб кетасан, қўзичоғим.

Азиза онасига: «Сиз ҳам мени ўйламадингизми?», — дегандек жовдираб термулди.

— Келинлигимда кўп қийналдим, меҳнатдан бошим чиқмади, сен ҳеч нарсага зориқмагин, деб шу ишга рози бўлдим, — деди онаизор.

— Эй, у йигитнинг отаонаси бой-бадавлат бўлгани билан, ўзи безори, наша чекаркан, бир дугонам айтди, — деди кичик сингил.

Ҳеч ким шу охирги гапга эътибор бермади.

Азиза бор ҳақиқатни тўйдан кейин билди. Куёв бўлмиш ҳар масалага енгил қарайдиган, муомаласи дағал йигит экан. Аллақандай шериклари билан кунора тўпланишади, эшикни ёпиб, ярим тунгача ичкарида пичир-пичир қилишади.

Бир куни келинчак қайнонасига шу ҳақда оғиз очди:

— Ўғлингиз бемаҳалда қайтаяптилар, озгина урушиб қўйинг...

Шу куни она ўғли кўчадан кириши билан ёнига чақирди.

— Энди уйланган йигитсан. Эски қилиғингни ташла. Уйга вақтида келгин, болам, — деди.

Носир ёнида турган Азизага «чақиб берибсан-да», дегандек хўмрайиб қаради. Сўнг дона-дона қилиб гап бошлади:

— Онажон, уйланмайман деганимда, мен чарчаб қоляпман, деб ўз ҳолимга қўймадингиз. Сўнг ўзингиз қиз топдингиз, мен рози бўлдим. Мана, тайёр хизматкор, уни хоҳлаганингизча йўриғингизга солаверинг. Бўлдими?

Шу охирги сўз Азизанинг жон-жонидан ўтиб кетди. Қайнона келинига бир қараб қўйди, сўнг ўғлига ўшқириб:

— Сен бола ҳаддингдан ошиб, бетгачопар бўлиб кетибсан. Отанг келсин, ҳаммасини айтаман, шу вақтгача яшириб келганим етар, — деганидан кейингина Носир «юмшади», онасига илтижоли бокди.

— Ўзимнинг меҳрибонимсиз, онажон. Шунинг учун ҳеч вақт гапингизни икки қилмайман-ку, тўғрими? Келинингиз ҳам кўнглингиздагидек чиқди.

У Азизага ер остидан киноялі қаради. Келинчак индамади. Очиғи, бир нима дейишга ҳам ҳайрон эди. Ахир, бу хонадонда пул билан боғлиқ муаммонинг ўзи йўқ, ҳамма нарса бадастир. Бироқ... ёнингда сени авайлайдиган кишинг — меҳрибонинг бўлмаса, бойликнинг ҳам қизиғи йўқ экан.

Тўсатдан қайнонаси хасталикка чалиниб, уч-тўрт кун ётди-ю, қазо қилди. Азизанинг суянадиган бирдан-бир кишиси шу беозор аёл эди, энди у йўқ. Онасининг маъракалари ўтиб бўлмасиданоқ, Носир эски оғайнилари билан яна кайф сафони бошлаб юборди.

— Шу зиёфатларни тўхтатиб турсангиз бўлмайдими? Ойимларнинг хотирасини оёқ ости қилаяпсиз-ку?!

— Менга ақл ўргатма! Биз зиёфатга тўпланганимиз йўқ, муҳим ишларимиз бор, сен бунга аралашма. Хоҳласанг шу, агар хоҳламасанг, уйингга кетаверишинг мумкин!

Азизани совуқ тер босди. Бу одамга энди гап уқтириш қийин. Кетай деса, кетолмайди. Ҳозир фарзанд кутаяпти. Лекин бўйида бўлибдики, хаёли паришон. Туғилажак боласининг отаси ичкиликбоз, нашаванд. Буни Азиза яқинда сезиб қолди. Зурриёди эса кун сайин ўзининг борлигини билдираяпти. Аёл шу боласининг соғ-омон дунёга келишини истайди. Бироқ...

— Синглим, ўзингизни қўлга олинг. Болага анчагина шикаст етган, ҳали кўзиниям очгани йўқ. Эмолмаса керак. Ҳомиладорликда хасталанганмидингиз? Нега бундай бўлди? — деб туғруқхона врачи ҳадеб аёлни саволга тутарди.

Азиза шифокорларга ҳақиқатни айтмади. Эрим гиёҳванд эди, деёлмади. Туни билан тиканга ағанагандек ухлолмай чиқди. Ахийри, бир фикрга келгандек бўлди. «Болани кўришни истамайман, кўзим тушса, меҳр қўйиб қолишим мумкин. Мен энди эримнинг уйига қайтмайман», — деб қоғозга ёзиб, имзо чекдида, туғруқхонани тарк этди.

Бу воқеага ҳам ярим йилча вақт бўлди. Бу орада Носирнинг қилмишлари фош бўлиб, шериклари билан қўлга тушди. Қамалиб кетди. Азиза у билан ажрашгач, ота уйида яшаркан, ўзини худди бегонадек сезарди. Туну кун чақалоғини ўйлар, болалар уйига топширилганини билгач, уни кўргиси келиб қийналарди. Ахири, болалар уйига борди, боламни қайтариб олмоқчиман, деди.

— Директорга учрашинг, — дейишди унга.

Салобатли, ёши каттароқ директор аёл Азизанинг гапларини бўлмасдан эшитди. Сўнг тартиб билан тахланган папкалар ичидан биттасини ажратиб олди. Қоғозларни эринмасдан синчиклаб ўқиди.

— Синглим, қизчангизнинг чап қўли яхши ҳаракатланмайди, ўнг юзида бироз нуқсони ҳам бор, хўш, олаверасизми?

— Нега олмас эканман, ўзимнинг болам-ку!

— Яхши, ҳужжатларни расмийлаштираверинг.

Азиза шу куни бир олам қувонч билан уйга қайтди. Бироқ дарвоза тутқичига қўл узатиши биланоқ, ҳовлидаги суҳбат қулоғига чалинди.

— Қизим бояқиш болалар уйига кетди, фарзандини қайтариб олиш нияти билан юрибди, — дерди онаси.

— Сен унга яхшилаб тушунтир, мажруҳ болани қандай қилиб боқади, уни тузатаман, деб умри азобда ўтиб кетади-ку, — дерди отаси.

Бегона аёл гапга аралашди:

— Шу ҳафта ичида бешолти одамга маълум қилиб, ўғлимиз иккисининг бошини қовуштириб қўяйлик, шу билан чалғиб, ҳаммасини унутади.

Азизанинг юраги «шиғ» этди. Наҳотки, энди у қизалоғи билан уйига келолмайди. Манави гап-сўзлардан сўнг ота-онаси: «Болани олиб келмайсан, бориб хабардор бўлиб турарсан, энди янги турмушингни ўйла», — деб туриб олишса-я? Буёғи нима бўлади?

Шу пайт ҳалиги меҳмонлар ўринларидан қўзғолишди. Азиза тезгина боғҳовли томондаги кичкина эшик орқали нариги уйга кириб кетди. Юраги ҳамон гуп-гуп урар, илк келинлик кунлари, эрининг қинғирликларини кўриб-билиб турса-да, уни йўлдан қайтаролмагани, охир-оқибат бу нарса фарзандининг ногирон туғилишига сабабчи бўлгани...

Бу ёқда эса уйидагилари уни бировга узатиш учун тараддуд кўришаяпти. «Йўқ, бу сафар тақдиримни осонгина уларнинг қўлига топшириб қўймайман!», — ўйлади у. Энди қисматини янада чигаллаштирсинми? Асло! Меҳрга зор гўдагига чин оналик қилади, уни астойдил парваришлайди. Шу гўдак олдида Азизанинг бурчлари кўп.

— Онажон, мен бошда хато қилган эканман, энди шу хатомни тўғрилашим керак. Боламдан воз кечолмайман, — деди Азиза титраб-қақшаб.

— Қизим, бизлар бошқа нарсага келишиб қўйгандик. Ахир, сенинг бахтингни ўйлашимиз керак-ку!

— Менинг бахтим шу болам, тушунинг, ахир, ўзингиз ҳам онасиз-ку!

Онаизор узоқ сукутда қолди. Сўнгра қизига меҳр билан тикилиб, деди:

— Ҳаммасини отангга тушунтираман, қизингни эртага олиб кел. У ёқда меҳрга зор бўлиб ётмасин. Биргаликда даволатамиз, катта қиламиз.

— Хўп, онажон.

Азиза шу куни биринчи марта тинч ухлади...

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Жамият ва қонун

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Шу йилнинг ўрталарида Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ўз жигарбанди — укасининг қотилига айланган Андрейнинг жиноий ишини кўриб чиқди.

Андрей 27 ёшида оғир жиноятга қўл урганди. Суд томонидан унга узоқ муддатли жазо тайинланганди. Жазо муддатини ўтаб чиққан Андрей Тошкентда онаси билан яшай бошлади. Лекин тегишли хулоса чиқармади. Бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан онасининг пенсия пули ҳисобига кун кечиради.

Ўтган йилнинг ёзида укаси Олегнинг таклифига кўра, Андрей онаси билан Чирчиқ шаҳрига кўчиб келади ва улар биргаликда яшай бошлайдилар. Андрей аввал онасининг пенсияси ва укасининг топганига қараб кун ўтказади, кейин эса одамларнинг талабига қараб қурилиш, таъмир ишлари билан шуғуллана бошлайди. Ака-укалар тез-тез жанжаллашиб, уришиб турадиган одат чиқаришади. Онаси буни пайқаса-да, аҳамият бермасликка ҳаракат қиларди.

Бир куни онаси Олегнинг деворда осилиб турган гиламни сотиш нияти борлигини пайқаб қолади ва бунга норозилик билдиради. Олег қайф ҳолатда онасидан пул талаб қила бошлайди. Пул бермаса гиламни сотишини айтади. Онаси эса гиламни қўшни хонага беркитиб қўйган эди. Онасига дўқ аралаш гапираётган Олег қурилиш асбоб-ускуналари қаердалигини айтишини талаб қилади. Уларни сотиб спиртли ичимлик олмоқчи эканлигини айтади. Унинг қилиқларидан чарчаган онаси қўшни хонага кириб эшикни беркитиб олади. Шундан сўнг Олег акасининг хонасига киради, бу вақтда у шовқин-сурондан уйғонган эди. Андрей укасига онасидан узр сўрашини айтади. Ўртада тўс-тўпалон кўтарилиб, ака-ука бир-бирларини ура кетадилар. Шунда Олег ошхонадан пичоқни олиб у томон келаётганида Андрей ўз укасини ўлдириш учун хонада ётган болта билан бир неча бор унинг бошига ва танасининг кўкрак қисмига жароҳат етказади. Олег йиқилиб, қон йўқотади. Қотил ака қон доғларини қўлга илинган латта-путталар билан тозалаб, укасининг бошига пакет кийгазиб қўяди. Натижада Олег олган тан жароҳатлари туфайли воқеа жойида жон таслим қилади.

Андрей жиноятини яшириш мақсадида ҳовлининг бурчагида чуқур қазийди. Бироқ қўшниларнинг кўриб қолишидан қўрқиб кеч тушишини пойлайди. Бу даврда Олегнинг жасадига кўзи тушган онаси Андрейдан уни нима сабабдан ўлдиргани ҳақида сўраганида, у онасини хўрлагани учун укасига шундай жазо берганиниайтади. Кейин укасининг жасадини чуқурга олиб бориб кўмиб қўяди. Хонасига кириб ухламоқчи бўладию, негадир ухлай олмайди, балки жигарчилик учунми ёхуд қондошлиги учунми, ўзи ҳам тушуна олмайди. Чирчиқ шаҳар ИИБга бориб бор гапни айтишга эса юрак дов бермайди. Бу ҳақда унга онаси бир неча бор айтади, бироқ у қулоқ солмайди. Орадан икки кун ўтгач қизиникига йўл олган онанинг кўз ўнгидан воқеалар биринкетин ўтаверади. Икки ўғлининг ҳам айни кучқувватга тўлганида жиноятга қўл ургани, фарзандлари бир-бири билан жанжаллашиб қотилга айланишида ўзини айблайди. Қизига бўлган воқеаларни айтиб, шу куни уйга қайтиб келаётиб Чирчиқ шаҳар ИИБга қўнғироқ қилади...

Ҳукм ўқилди. Қотил акани жазони ўташ жойига олиб кетдилар. Суд залида аччиқ қисматидан зор-зор йиғлаган онанинг ўзи ёлғиз ўтирарди. Ичкиликбоз ўғли фожиали ўлим топди. Яна бири...

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.

ҚОРЛИ КЎЧА...

Қорли кўча... йиғлаб кетяпман
Юрагимга оқиб кўз ёшим.
Меҳрингизга ташна бўлсам ҳам
Узоқларга кетдим, қуёшим.

Қорли кўча... тўрт томон оппоқ,
Сочларимни силар изғирин.
Юз-қўлимга игнасин санчиб
Юрагимга кирар изғирин.

Қорли кўча... манзилим узоқ,
Кипригимдан тўкилар дардлар.
Мени ёлғиз кўриб хайрона
Бизни кутиб турган дарахтлар.

Қорли кўча...
Кетяпман сизсиз...
Қорли кўча...
Сиз ҳам ёлғизсиз...

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат-лавҳа.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили



УМР МАЗМУНИ

Тамина Латипова салкам йигирма олти йилдан буён Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ёшлигидан хирург бўлишни орзу қилган қиз травматолог-жарроҳ касбини эгаллади. Бугунги кунда у шифохонанинг травматология бўлими бошлиғи.

Ўтган йиллар мобайнида Т.Латипова қанчаданқанча беморлар дардини аритди. Бахтсиз ҳодисалар туфайли ногирон бўлиб қолиши мумкин бўлган кўнгилларга нур бахш этди. Дардмандларни оёққа турғазди. Шу боис ҳам қатъиятли, ўз ишига масъулиятли, иродали бу аёлни ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Тамина опа умрининг мазмуни ҳам шунда бўлса керак.

Суратда: Тамина Латипова шогирдлари билан.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Сиз бунга нима дейсиз?

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ ОРТИҚ

Дўстимизнинг тўйида мириқиб суҳбатлашиб ўтирибмиз. Дастурхон ноз-неъматга тўла, ҳамма жой озода, саранжом-саришта. Бошқа меҳмонлар ҳам ўзаро ширин суҳбатга берилишган. Ора-сирада ёшларнинг бахт-саодати учун, замонимиз, истиқлолимиз учун шукроналарга тўла қадаҳ сўзлари, бир-биридан ажойиб табриклар айтилиб турибди. Ҳофизлар авж пардада ашула айтишмоқда. Улардан бири шундай қўшиқ куйлайди:

Неча-неча яхшилардан
бир ёмон пайдо бўлур,
Бир ёмоннинг
дастидан мавж урган
дарё қурур.

Қўшиқ тугар-тугамас «Баракалла!», — деган олқишлар янгради. Ёнгинамизда ўтирган меҳмонлардан бири шундай деб қолди:

— Ҳозир замон ўзгарган, бу ашулани «Неча-неча ёмонлардан бир яхши пайдо бўлур» деб ўзгартириш керак. Нега десангиз, ҳозир ёмон одам кўп, — деди-ю, ўзининг гапидан ўзи қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

Унинг бу гапи қизиб турган тандирга сув сепгандай бўлди. Кулгисига эса ҳеч ким қўшилмади. Мен ҳам ялт этиб, совуқ назар билан у томонга ўгирилдим. Қарасам, юзлари қорачадан келган, кўзлари ёниб турган, лаблари дўрдоқ, хурпайиб турган сочлари шайтоннинг шохига ўхшаб кетадиган ғалати одам ўтирганини кўрдим. Қўлидаги ўсиқ тукларга қараб, худди одам қиёфасига кирган думсиз шайтонга ўхшайди-я, деган хаёлга бордим. Қадимий ривоят эсимга тушиб кетди.

Қадим ўтган замонда адолатли бир подшоҳнинг ҳузурига икки донишманд келибди. Улар шоҳга ҳикматли гап айтиб беришлари керак экан.

Улардан бири қисқагина қилиб: «Умрингда яхшилик қилсанг, фақат яхшилик кўрасан», — дебди. Иккинчиси эса «Умрингда ёмонлик қилмасанг, ҳеч қачон ёмонлик кўрмайсан», — дебди.

Бу гапдан мамнун бўлган шоҳ биринчи донишмандга икки юз тилло, иккинчисига юз тилло мукофот берибди.

Бир хил маъноли гапга икки хил мукофот берилганига ҳайрон бўлган иккинчи донишманд мукофотлар миқдори ўртасидаги тафовутнинг боисини тушунмай, подшоҳга савол берибди. Шунда аркони давлат жавоблар мазмуни бир хил бўлса ҳам ифода учун танланган сўзларда фарқ катталигини айтибди. Подшоҳ биринчи донишманднинг гапида «ёмонлик» сўзи умуман йўқлиги учун шундай қилган экан.

Биз ўтирган столдаги нохушликни ҳофизларнинг хонишлари ўртадан кўтаргандай бўлди:

Одамийда зарра
маъни бўлмаса,
Сан ани сурат
кўриб одам дема...

Тилингга шакар, ҳофиз! Вақтида ижро этилган бу қўшиқ ҳалиги шайтон хулқли одамнинг гапига жавобдай бўлди. Хонанда эса кўзимга бамисоли фаришталдай кўриниб кетди.

Шоир Паҳлавон Маҳмуднинг қуйидаги рубоийси ёдимга тушди:

Уч юз Кўҳи Қофни
келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ
фалакка бўёқ,
Ёинки бир аср
зиндонда ётмоқ,
Нодон суҳбатидан
кўра яхшироқ.

— Яхшиликни ёмонликка бурадиган, яхши ишдан иллат ахтарадиган одам қиёфасига кириб, инсонларни йўлдан урадиган «думсиз шайтонлар»дан яратганнинг ўзи сақласин, — деди ҳамсуҳбатларимиздан бири.

Дўстлар билан келишиб, ўтирган жойимизни ўзгартирдик. Орадаги дилхарилик кўтарилгандек бўлди.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
Урганч шаҳри.

Ўқинг, қизиқ!

— Бунга кўп йиллар бўлди, — деб ҳикоясини бошлади тоғам. — Бир куни ярим кечада далада сайғоқ отиб юргандик. Икки машина ҳам ўлжага тўлди. Кутилмаганда бир тепаликда учта сайғоқ ўтлаб юрганига кўзимиз тушди. Билсак, уччови ҳам эркак экан. Бундан жуда ҳайрон бўлдик. Чунки эркак сайғоқлар ҳеч қачон биргалашиб юришмайди, ҳар бирининг ўз тўдаси бўлади. Улар ўзаро сира келиша олмайди. Қайтаётган жойимизда «Уазик»да келган бир овчи йигит отамиз, деб қўймади. Биз беш киши эдик.

ХОСИЯТЛИ САЙҒОҚЛАР

Йигитлар «маъқул» деб, милтиқларини олишди. Сайғоқларни қува кетдик. Милтиқдан шунча ўқ узамиз, ҳеч тегмайди. Қанча-қанча тепаликлар ортда қолди. Ниҳоят, беш қадамдан отган ўқларимиз нишонга теккани эшитилди. Бироқ сайғоқ қуламади. Ҳайронмиз. Шу вақт милтиғимга тайёрлаб қўйилган ўқни солдим. Буни бешотар дейдилар, ўлжага тегса, иккига бўлиб юборади. Отган ўқим бехато тегди, ҳатто сайғоқнинг юнги титраб кетганини кўриб турибман. Жониворлар эса гўё ҳеч нима бўлмагандек, шундоқ олдимдан чопиб ўтиб кетишди. Бир пайт нима бўлди-ю, ҳалокат юз берди. Олдинги машина гурс этиб ағдарилди. Бояги овчи йигит ўнг тарафдаги деразадан чиқиб, сайғоқларни отмоқчи бўлган экан, бечора ғилдирак остида қолди. Биз дарров «Уазик»ни кўтаришга уриниб, ғилдирак остига темир ташладик, лекин у синиб кетди. Хуллас, йигитни машинанинг тагидан ололмадик. Ер қоп-қора қонга белангандi. Тўрт йигит бу фалокатдан ҳушимизга келганимизда, бояги уч сайғоқ бизга узоқдан тикилиб турарди.

Ҳайтовур, йигитнинг жасадини бир амаллаб ғилдирак остидан чиқариб олиб, уйига элтдик. Унинг аёли билан икки боласига нима дейишни билмай қийналганларимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Отам: «Ҳар нарсанинг ўз хосияти бўлади», — дер эдилар. Билсак, ўша сайғоқлар хосиятли экан. Шу воқеадан кейин мен овга чиқмай қўйганман.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.

Жавоҳирот сандиғи

Аввал жим туришни ўргатаман

Кунлардан бир куни қадимги юнон файласуфи Арастунинг ҳузурига жуда ҳам сергап бир ёш йигит келиб, унга нотиқлик санъатини ўргатишини илтимос қилди. У дабдабали сўзларни изҳор этгандан сўнг Арастудан ўқиш учун қанча ҳақ тўлашини сўради.

— Сендан бошқаларга қараганда икки баробар кўпроқ ҳақ олинади, — қовоғини солиб жавоб берди файласуф.

— Нима учун? — ҳайрон бўлди йигит.

— Чунки, сен билан икки баробар ишлашга тўғри келади: сенга сўзлашни ўргатишдан аввал, жим туришни ўргатиш лозим.

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

— *Одамларнинг доноси ким?*
— *Ҳаёт ташвишларидан дилтанг бўлмагани.*
— *Баланд ҳимматли кимдур?*
— *У дунё неъматларини бу дунё неъматларидан устун қўйган киши.*
— *Одамларнинг қудратлиси ким?*
— *Ақли комил бўлгани.*
— *Ул қандай шаробки, ичувчисини яланғочлайди?*
— *Шаҳват.*
— *Ул қандай оловки ўз ёқувчисини куйдиради?*
— *Ҳасад.*
— *Ул қайси бинодурки ҳеч хароб бўлмас?*
— *Адолат.*
— *Ул қандай аччиқликки, охири ширин бўлур?*
— *Сабр.*
— *Ул қандай ширинликки, охири аччиқ бўлур?*
— *Тезлик.*
— *Ул қандай беморликки, табиблар унинг муолажасидан ожиздир?*
— *Аҳмоқлик.*

Адибахон ҒАЙРАТ қизи тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

ҲАШАРОТЛАР ОЛАМИ

Ҳашаротлар бир сонияда неча маротаба қанот қоқишини биласизми? У қанча кўп қанот қоқса, товуши ҳам шунча юқори бўлади. Хуллас, ари бир сонияда 350, қовоғари 180-240, пашша 330, чивин эса 594 маротаба қанот қоқади.

* * *

Ниначи соатига 30 км, қовоғари 14, асалари ва тиллақўнғиз 11, капалак 10, пашша эса бор-йўғи 4-6 км. тезликда уча олади.

* * *

Ҳашаротларнинг эшитиш аъзолари бир оз ғалатироқ жойлашган. Масалан, чигиртканинг «қулоқлари» орқа оёғида. Пашша ва чивинлар эса товушларни мўйлов-антенналар ёрдамида илғайди. Мўйловча майда-майда толалар билан қопланган бўлиб, улар ҳатто жуда паст товушга ҳам тебрана бошлайди.

* * *

Бразилияда учрайдиган ялтироқ қўнғизлар ўзидан кучли нур таратади. Шундай қўнғизнинг бир донаси ёрдамида газета ўқиш мумкин. Бештаси эса хонани ёритишга қодир.

* * *

Шилиққурт, ҳатто, ўткир устара устидан юрса ҳам ҳеч қаери кесилмайди.

* * *

Асалари ярим килограмм асал тўплаш учун ўртача 0,5-2 км.лик масофани 80 минг марта босиб ўтиши мумкин. Бу ер шарини икки марта айланиб чиқиш билан баробар.

Беҳзод ҚОДИРОВ.

Ибратли ривоятлар

Оқила аёл

Фақир бир одам ўз қишлоғидаги сигирларни яйловда боқиб юрарди. Унинг оғирлиги бировга тушмасди. Оиласини ўз меҳнати билан боқарди.

Чўпоннинг аҳволини тушунадиган, қадрига етадиган оқила аёли бор эди. Шунинг учун уни қишлоқдагилар энг бахтиёр одам деб ҳисоблашарди.

Қишлоқда кимнинг аёлидан жаҳли чиқса: «Бориб чўппоннинг хотинидан ибрат олиб кел», — дер эди. Кунлардан бир кун қишлоқ оғаси хотинидан хафа бўлди:

— Эй, гап тушунмайдиган бефаҳм хотин, бориб қишлоғимиз чўпонининг хотинидан ибрат олсанг бўлмайдими? — деб уни қойиди.

— Чўпоннинг хотинидан нималарни ўрганардим. Унда на ҳунар, на бир ортиқча фазилат бўлса, — деб аччиқланди аёл.

Оғанинг жаҳли чиқиб, ишига жўнади. Хотини эса безовта бўлиб, ўрнидан турди ва чўпоннинг хотинини кўришга борди. Бу пайтда чўпоннинг хотини ҳовлида офтобда турган идишдан сув олиб ичаётган эди. Оғанинг хотини унга қараб:

— Шу сувдан менга ҳам бир қултум беринг, — деди.

— Бу сув илиб қолган, сизга муздеккинасидан олиб келаман, — деди хонадон соҳибаси.

— Майли, лекин сиз нега илиб қолган сув ичаяпсиз? — деди оғанинг хотини ҳайрон бўлиб.

— Хоним, ҳозир эрим далада жазирамада юрибди. Албатта, мешчасидаги илиган сувдан ичаётгандир. У илиган сув ичсаю, мен бу ерда совуқ сув ичсам тўғри бўлармикин? — деб жавоб берибди чўпонни хотини.

Меҳмонга келган аёл унинг эрига бўлган садоқатини кўриб, сизни ҳамма мақтаганича бор экан-да, деб жавоб берган экан.

М. РАҲМАТОВ.

Жаҳон ҳафта ичида

УГО ЧАВЕС ЯНА САЙЛАНДИ

Уго Чавес Венесуэлада ўтказилган президентлик сайловларида ғалаба қозонди. Унинг рақиби, Сули штати губернатори Мануэл Росалес муддатидан олдин мағлубиятини тан олди.

У баёнот берган пайтда ҳали бюллетенлар тўла текшириб бўлинмаган эди. Аммо шу пайтгача бўлган натижаларнинг ўзи ҳам амалдаги президентнинг ғалабасини кўрсатиб берди. Дастлабки натижаларга кўра Росалес 38,39 фоиз, Уго Чавес эса 61,35 фоиз овоз тўплаган.

Шундай қилиб, Чавес президентлик курсисида яна олти йил ўтирадиган бўлди. У биринчи маротаба бу лавозимга 1998 йилда сайланган эди.

КЕННЕДИ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ



Режиссёр Стивен Спилберг, композитор Эндрю Ллойд Вебер ва бошқа атоқли маданият арбоблари нуфузли Kennedy Honors мукофотининг 2006 йилги соҳиблари бўлишди.

Кеннеди марказидан тарқатилган хабарда айтилишича, Спилберг "ўз картиналарида XX асрнинг воқеаларини ҳаққоний тасвирлагани учун" ушбу мукофотга лойиқ, деб топилган. Эндрю Ллойд Вебер эса мюзикллари шарофати билан лауреатга айланди.

Кеннеди маркази илк маротаба этник ҳиндуни тақдирлади. Бундай шарафга таниқли дирижёр Зубин Мета лойиқ кўрилди.

ЖАНУБИЙ ОСЕТИЯНИНГ ИККИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Жанубий Осетиядаги грузин қишлоқларидан бири Куртда мамлакатнинг яна бир президенти Дмитрий Санакоевнинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

Дмитрий Санакоев 12 ноябрь куни ўтказилган альтернатив сайловларда ғалаба қозонган. У осетин ва грузин тилларида мамлакатнинг амалдаги Конституциясига содиқ эканлигини айтган. У ўз сўзида мамлакат аҳолиси манфаатлари ва грузин-осетин низосини бартараф этиш йўлида куч-ҳаракатларини аямаслигини билдирган.

ГРУЗИЯНИНГ ҚАРОРИ

Грузия адлия вазирлиги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро судга Россия устидан арз йўлламоқчи. Вазирликнинг нуқтаи назарига кўра, Россиядан чиқариб юборилган грузинларга нисбатан куч ишлатилган. Бу фикрларга республиканинг Москвадаги консули Зураб Патарадзенинг маълумотлари асос қилиб олинмоқда.

«Грузия-Online»нинг хабар қилишича, ушбу масала юзасидан Грузия парламентининг махсус комиссияси иш олиб бормоқда. Шунингдек, Тенгиз Тогонидзенинг беваси ҳам эрига тиббий ёрдам кўрсатишдан бош тортишгани ҳамда уни электрошок билан қийнашганлигини маълум қилган. Аммо Санкт-Петербург прокуратураси томонидан олиб борилган текширишлар бунинг аксини кўрсатмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Грузияда рус ҳарбийлари айғоқчиликда айбланиб қўлга олингач, Россия томони мамлакат ҳудудида яширин тарзда истиқомат қилаётган грузинларга нисбатан таъқибни кучайтирган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов одам гулнинг ҳидини сезмаганидек.

* * *

Карим ва ҳурматли, вафодор одамни йўқотиш эр кишига ўлимдан кўра ҳам оғирроқдир.

* * *

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслонникидан кўра ҳам маҳобатлироқдир.

* * *

Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик бўлар, қайғу ҳасрату фақирликка тушилур.

* * *

Ақлли кишининг сукут сақлаб жим туриши жоҳил одамнинг сўзлаганидан афзалдур.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.40